

Сезги бу –энг оддий психик
жараён бўлиб, нарса ва
ходисаларнинг хусусиятлари
физик жараёнларни сезги
органларига бевосита таъсир
этиши натижасида уларнинг
хусусиятларини алоҳида-
алоҳида намоён бўлишидир.

- Сезгиларни ўта миқдорда кўплиги, ҳамда ташқи олам энергиясин онгнинг ходисасига айланиши ҳақида аниқ фикрларни И.М.Сеченов берган. Агар инсонни уйғоқлик вақтини ўрта ҳисобда **12 соат** деб олинадиган бўлса ва ҳар бир фаза бўйича ўртача сонни оладиган бўлсак, масалан кўриш сезгисини 5 қисмчаларга бўлсак кўз орқали **8000 сезги**, қулоқдан ундан кам эмас, мускуллар ҳаракатидан ундан ҳам кўп сезги юзага келар экан.

СЕЗГИ

СЕЗГИ ТУРЛАРИ

ЭКСТРОЦЕПТИВ

ИНТРОЦЕПТИВ

ПРОПРИОЦЕПТИВ

ДИСТАНТ:

- КЎРИШ
- ЭШИТИШ
- ҲИД БИЛИШ

КОНТАКТ:

- ТАЪМ БИЛИШ
- ТЕМПЕРАТУРА
- ТАКТИЛ
- ТУЮШ

•ИЧКИ ОРГАНЛАР
ҲОЛАТИ ҲАҚИДАГИ
СЕЗГИЛАР

•ОҒРИҚ СЕЗГИЛАРИ

•МУВОЗАНАТ СЕЗГИЛАРИ
•ҲАРАКАТ СЕЗГИЛАРИ

- Одам кўзи рангларни тахминан 380 миллимикрондан 780 миллимикронгача узунликдаги тўлқинларнинг таъсирида сезади: 1) 780-610 қизил ранг; 2) 610-590 зарғалдоқ; 3) 590-575 сарик; 4) 560-510 яшил; 5) 480-470 ҳаво ранг; 6) 470-450 кўк ранг; 7) 450-380 бинафша ранг сезилади.

Ҳид билиш сезгиси –

- **ҳидни билиш билан ҳарактерланади.**
Органи бурун бўшлиғининг юқори қисми бўлиб, унда ҳид билиш катаклар мавжуд.
Хидлар предметлар бўйича классификацияланади – нон ҳиди, сирен ҳиди, эфир. Ҳид билиш маркази – миянинг энса бўлагининг пастки қисмида жойлашган.

Таъм билиш сезгиси-

- аччик, ширин, нордон, шўрни сезиш. **Органи** – тилнинг устки қисми ва танглай. **Таъм билишнинг физик сабаби** – сувда ва сўлакда эрийдиган моддалар. Таъм билишнинг маркази ҳид билиш марказига яқиндир.

Тери туюш сезгиси –

- температура, тактил сезгилари.

Температурани сезиш – иссиқ ва совуқни тери орқали бевосита сезиш билан боғлиқ физик сабаби – терига бошқа моддаларни тегиши.

Интероцептив ёки органик сезгилар деганда –

- **оч қолиш, чанқаш, соғлиқ
кассаллик, чарчок кабиларни
организмимиз ёки алоҳида
органлар сезиши назарда
тутилади**

- **Идрок** –бу нарса ва ходисаларни бизни сезги органларимизга таъсир этиш асосида уларни яхлит образларини юзага келиши жараёнидир.

**Идрокнинг ўзига хос хусусиятлари
қуйидагилардан иборат:**

- А) предметлилиги;
- Б) яхлитлиги;
- В) структуралилиги;
- Г) константлиги;
- Д) мантиқийлиги;
- Е) танланганлиги.

- **Предметлилик** – бу объективлаштириш акти бўлиб, у ташқи оламдан олинган маълумотларни ўзида мужассамлаштиради. Предметлилик перцептив жараёнларни шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга. Одамда биз предметларни ташқи кўринишга қараб эмас, уларни амалиётда қўлланилишига ҳам эътибор берамиз.

- **Яхлитлик** –
предметларни у ҳақидаги
маълумотларни жамлаган
ҳолда яхлит идрок этиши.

- **Тизимлилик** – биз предметларни сезгилар йиғиндиси сифатида эмас, балки бу сезгилар асосида предмет структурасини маълум бир вақт оралиғида шаклланувчи унинг элементлари орасидаги боғлиқликни идрок этамиз. Биз ушбу сезгилар абстрактлашган умумлашган сезгилар тизимини акс этамиз.

- **Константлик** –
(доимийлик) – идрок этилган
предмет хусусиятларини
доимий масалан қоронғида
ёруғида ҳам оқ қоғоз қалам 20
см, 1 м ёки 5 м узокликда бир
хил катталиқда идрок этилади.

- **Англанилганлик** –
англанган ҳолда идрок
этиши яъни предметни аниқ
гуруҳ синфга киритган ҳолда
умумлаштириш.

- **Танланганлик** - кўп объект ичида бошқалар билан солиштирилганда конкрет объект “фон” дан ажратилиши.

ИДРОК

ИДРОК ТУРЛАРИ

